



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI**

2020 -yil 7 - dekabr Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy
2327 -son

Bog‘ot shaharchasi

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 сентябрда 177-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, суд ва нотариал идоралар ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг таъриф сеткасини жорий этиш тўғрисида”ги 147-сонли қарорига асосланиб:

1. Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, оила ва хотин қизлар масалалари бўйича мутахассислари, ҳарбий ҳисоб бўлими ходимларининг 2020 йил 1-ярим йиллик якуни натижаларига кўра ишлаган даврига қараб бир ойлик иш ҳақи миқдорида 2020 йил ҳаражатлар сметасида ушбу мақсадлар бўйича йўналтирилган маблағлар ҳисобидан мукофотлансин.

2. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

О.Холбоев